

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**УМИДОВА НИГОРА НАБИ ҚИЗИ**

**РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА ГЕНИТАЛ  
ЭНДОМЕТРИОЗНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИДА ГЕНЕТИК  
МАРКЕРЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Умидова Нигора Наби кизи**

Репродуктив ёшдаги аёлларда генитал эндометриознинг келиб чиқишида генетик маркерларнинг аҳамияти .....3

**Умидова Нигора Наби кизи**

Значение генетических маркеров в происхождении генитального эндометриоза у женщин репродуктивного возраста.....20

**Umidova Nigora Nabi kizi**

The significance of genetic markers in the origin of genital endometriosis in women of reproductive age.....37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....41

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**УМИДОВА НИГОРА НАБИ ҚИЗИ**

**РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА ГЕНИТАЛ  
ЭНДОМЕТРИОЗНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИДА ГЕНЕТИК  
МАРКЕРЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/ Tib4201 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хамдамова Мухаёхон Тухтасиновна**  
тиббиёт фанлар доктори (DSc), профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллаева Лағия Мирзатуллаевна**  
тиббиёт фанлар доктори, профессор

**Мавлянова Нигора Наримоновна**  
тиббиёт фанлар доктори, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Абу Али ибни Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: info@bsmi.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23.Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Д.Т. Ходжиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Ш. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.А. Ихтиярова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида кўра эндометриоз энг кенг тарқалган гинекологик касалликлардан бири бўлиб, уни самарали ташхислаш ва даволаш муаммоси тиббий ва ижтимоий аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда бу касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, ташхислаш ва даволаш усуллари ҳамон мунозарали масала бўлиб қолмоқда. Касаллик патогенези кўп омилли хусусиятга эга ва етарлича ўрганилмаган. Шу билан бирга ноинвазив текширув усуллари нисбий ташхис қийматида эга бўлгани сабабли замонавий терапевтик ёндашувлар кўпинча тўлиқ соғайишни таъминлай олмайди<sup>1</sup>.

Дунё миқёсида замонавий олимлар, клиник мутахассислар ва морфологлар эндометриозни янада чуқурроқ ўрганишдаги ютуқларни касаллик патогенезининг молекуляр жиҳатларини аниқлашга қаратилган комплекс тадқиқотлар билан боғламоқдалар. Сўнгги ўн йил давомида ҳужайра молекуляр биологиясини тушунишда сезиларли тараққиётга эришилди. Неоангиогенез, строма шаклланиши, апоптоз, пролиферация ва инвазия жараёнларининг моҳиятини аниқлаш, уларнинг бошқарилиши ва ўзаро нисбатининг бузилишини ўрганиш эндометриознинг патогенетик асосланган даволаш усуллари ишлаб чиқишда тамомила янги имкониятларни очиб бермоқда. Айнан шу ҳолат касалликнинг морфологик моҳиятини етарлича чуқур тушунишга ва таҳлил қилишга имкон берадиган юқори информатив биомаркерларни излашга қаратилган тадқиқотларнинг долзарблигини белгилайди<sup>2</sup>.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини илғор жаҳон андозалари асосида ташкил қилиш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, шунингдек, аёллар орасида гинекологик касалликларни эрта ташхислаш, кечилини башорат қилиш, жарроҳлик амалиёти салмоғини камайтиришга қаратилган қатор ислохотлар ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштирилган тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...» вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда аёлларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳаёт сифатини ошириш, сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллаш усуллари такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

<sup>1</sup>Сергеева КН, Сокорев СН, Ефремова ОА, и др. Анализ уровня эндогамии популяции как основа популяционно-генетических и медико-генетических исследований // Научные результаты биомедицинских исследований. -2021.- №4 (7).- С.375-387.

<sup>2</sup> Adewuyi EO, Sapkota Y, International Endogene Consortium Iec, et al. Shared molecular genetic mechanisms underlie endometriosis and migraine comorbidity // Genes. – 2020.- №3(11).- С.268.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сонли «2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республикамизда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Генитал эндометриозни ўрганиш билан кўплаб маҳаллий олимлар шуғулланишган (Толибова Г.Х. ва бошқ., 2016; Ахмедова А.Т. ва бошқ., Бабаев С.Н. ва бошқ., 2017; Бекназарова Х.Н. ва бошқ., 2021; Нормуродова Ш.Ф. ва бошқ., 2023; Закирова Н.И. ва бошқ., 2024; Нажмиддинова Н.П. ва бошқ., 2024; Мўминов А.И. ва бошқ., 2025; Иргашева С.Ч. ва бошқ., 2025; Мусулмонова Х.С. ва бошқ., 2025;). Буларга мисол қилиб, А.А.Тойириковна "Эндометриоз билан оғриган аёлларда перименопауза даври хусусиятлари" мавзусида илмий иш олиб борган, перименопауза вақтида эндометриоз билан касалланган аёлларда клиник гормонал психоэмоционал ҳолатларни тадқиқ этган. Эстероген ва прогестерон гармони кўрсаткичлари чанокдаги сурункали оғриқ хавфи ортиши билан ўзаро боғлиқлиги баҳоланган ҳамда табиий эстероген ва прогестерон таъсирига эга бўлган фитопрепаратлар дан даво сифатида фойдаланилган.

Генитал эндометриозни диагностика ва даволашга қаратилган илмий ишлар, Россияда ҳам кўплаб олимлар томонидан олиб борилган (Адамян Л.В. ва бошқ., 2015; Кузнецова И.В., 2015; Волкова Л.В., 2016; Давидов А.И., 2018; Головченко И.О., 2023;). Шу жумладан Г.И. Олегович "Генетические детерминанты уровня половых гормонов у больных эндометриозом" номли илмий ишида генетик маркерларнинг, жинсий гармонларнинг кўрсаткичидаги ахамияти ўрганилган. Бу илмий ишда ЛГ,ФСГ, ПЛ, эстрадиол, прогестерон, тестестерон, дегидроэпиандростерон гармонлари ва GWAS генларидаги, бир нуқтали нуклеотид полиморфизмларини ўрганилган. Натижалар шуни кўрсатганки текширилган гормонларнинг кўрсаткичлари билан ген полиморфизми ўртасида корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланган.

Эндометриозда генетик маркерларни чет – эл олимлари ҳам турли популяцияларда ўрганишган (Sapkota Y., 2017; Rull K.,2018; Park S.,2019; Gallagher C.S., 2019; Ponomarenko I.,2020; Nayyar A.,2020). Масалан Флоридалик олим Deodutta R. "Integrated Bioinformatics, Environmental

Epidemiologic and Genomic Approaches to Identify Environmental and Molecular Links between Endometriosis and Breast Cancer” номли илмий ишида кўрак саратони ҳамда эндометриоз касаллиги ўртасида боғлиқликни ўрганган. Бун илмий ишда CYP19A1, EGFR, ESR2, FOS, ва IGF1 генлари текширилган ва бу ген ҳам эндометриозни ҳам кўрак саратони келтириб чиқариши мумкинлиги исботланган. Бизга маълум бўлган манбаларда Ўзбекистонда репродуктив ёшдаги аёлларда эндометриоз патогенезида генетик тадқиқотлар ҳақида маълумотлар топилмади. Юқорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда, ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб бориш зарурати яққол кўриниб турибди ва бу ишимизнинг мақсад ҳамда вазифаларини белгилаб берди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтининг (10.2025PhD.236) «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)» илмий-тадқиқот ишлари режаси бўйича амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг мақсади:** апоптоз маркерлари ва ангиогенез регуляторлари асосида репродуктив ёшдаги аёлларда генитал эндометриозни башоратлаш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

репродуктив ёшдаги генитал эндометриоз билан касалланган аёлларнинг клинко-анамнестик хусусиятларини ўрганиш;

репродуктив ёшдаги генитал эндометриоз билан касалланган аёллар қон зардобида апоптоз маркерлари (BRAF) ва ангиогенез регуляторлари (TP-53) экспрессиясининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;

репродуктив ёшдаги генитал эндометриоз билан касалланган аёллар қон плазмасида ва эктопик тўқимада апоптоз маркерлари ва ангиогенез регуляторларининг касаллик даражаларига кўра диагностик баҳолаш;

олинган натижалар асосида репродуктив ёшдаги аёлларда генитал эндометриозни эрта ташхислаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2022-2024 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий маркази Бухоро филиали поликлиникасида кузатувда бўлган генитал эндометриоз билан касалланган 84 нафар бемор ва Бухоро шаҳар 3-сон оилавий поликлиникасида назоратда турган 80 нафар деярли соғлом аёллар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида веноз қон, қон зардобиди, бачадон бўшлиғи қириндиси, эндометриоид тухумдон кисталарининг капсулалари, жарроҳлик йўли билан олиб ташланган бачадон тўқимаси бўлаклари гистологик кўрсаткичларни баҳолаш учун хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, ультратовуш, МРТ, гистероскопик, генетик, гистологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

генитал эндометриозли аёлларда касалликнинг келиб чиқишида аёлларнинг овқатланиш тарзининг эпигенетик тасири борлиги ҳамда эндометриоз ва веноз кон томирлар варикози, семизлик ўртасида кореляцион боғлиқлик мавжудлиги илмий исботланган;

ўзбек популяциясида генитал эндометриоз билан оғриган репродуктив ёшдаги аёлларда илк бор кон зардобидаги TP53 гени pro72arg полиморфизми pro/pro ва pro/arg генотипи эндометриознинг келиб чиқишида информатив эканлиги илмий асосланган ;

ўзбек популяциясида репродуктив ёшдаги аёлларда генитал эндометриозни аниқлашда илк бор BRAF V600E гени Т/А полиморфизми Т/А генотипи ва TP53\_2 гени С/Т полиморфизми С/Т генотипи эндометриознинг оғир кечишида информативлиги илмий исботланган;

олинган натижалар асосида репродуктив ёшдаги аёлларда генитал эндометриозни эрта ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

аёлларнинг репродуктив тизимининг яхши пролифератив касалликлари ривожланишини башоратловчи ген полиморфизмлари тўғрисида ҳозирги кунга қадар олинган генетик ва эпидемиологик маълумотлар уларнинг пайдо бўлиш хавфининг атиги 20%ни тушунтиради. Шу муносабат билан касаллик ривожланишининг патогенетик механизмларини тизимли генетика нуқтаи назаридан кўриб чиқиш керак, яъни полиморфизмлар ассоциацияси таҳлили натижаларини ген экспрессиясининг хусусиятлари, уларни тартибга солишнинг эпигенетик механизмлари, ген тармоқларидаги ўзаро таъсирлар ва уларнинг маҳсулотларини метаболик йўлларга жалб қилиш билан солиштириш зарур;

генитал эндометриоз билан оғриган барча беморлар ва назорат гуруҳи аёлларида Республика ихтисослашган Гематология илмий-амалий маркази молекуляр генетик лабораториясида BRAF V600E гени Т/А полиморфизми, TP53 гени Pro72Arg ва С/Т гена TP53\_2 полиморфизмлари типлаш ўтказилди. Тадқиқот учун ушбу локусларни танлаш, уларнинг ўрганилаётган полиморфизмларнинг тегишли цитокинларни ишлаб чиқаришни ўзгартириш қобилияти туфайли генитал эндометриознинг патогенезида мумкин бўлган иштироки билан боғлиқ;

олинган натижалар TP53 гени Pro72Arg, BRAF V600E гени Т/А полиморфизми ва TP53\_2 гени С/Т полиморфизмларининг информативлиги эндометриозда юқори даражада баландлигини ва бу ген полиморфизмларининг эндометриоз диагностикасида ва башоратлашда катта аҳамиятга эгаллигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, лаборатор, инструментал, гистологик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан

таққосланганлиги билан асосланган. Олинган тадқиқот натижалари ваколатли ташкилотларнинг натижаларга оид хулосалари олинганлиги ва улар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, эндометриоз ривожланишини башоратловчи ген полиморфизмларининг генитал эндометриоз юзага келиши билан боғлиқлиги тўғрисида янги маълумотлар олинганлиги, ген полиморфизмларининг касаллик оғирлик даражасига таъсири ва шу асосда репродуктив ёшдаги аёлларда генитал эндометриозни башоратлашга доир янги юқори информатив маркерлар аниқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, TP53 генидаги Pro72Arg, BRAF V600E гени T/A, TP53\_2 генидаги C/T полиморфизмлари генотиплари ва аллелларида ишончли равишда III-IV оғирлик даражали эндометриоз келиб чиқишида фарқлар аниқланди ( $p < 0,05$ ). Лекин I-II оғирлик даражали эндометриоз соғлом аёллар ва III-IV оғирлик даражали эндометриоз билан солиштириб таҳлил қилинганда ишончли фарқлар аниқланмади ( $p > 0,05$ ). Бундан келиб чиқадики, эндометриоз оғирлик даражасига ўрганилган барча генлар полиморфизмлари (TP53 генидаги Pro72Arg, BRAF V600E гени T/A, TP53\_2 генидаги C/T полиморфизмлари) ишончли таъсир қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Репродуктив ёшдаги аёлларда генитал эндометриозни ташхислашда BRAF V600E гени C/T ва TP53 гени Pro72Arg полиморфизмларининг ўрнини аниқлаш ва баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* репродуктив ёшдаги аёлларда эндометриозга олиб келувчи генитал соҳалардаги оператив аралашувларнинг ўрни етакчи эканлигини инобатга олган ҳолда уларнинг сабаб омилларини эрта аниқлашга йўналтирилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш асосида касалликни эрта башоратлашга эришилди; *иктисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган 9500000 сўм бюджет маблағлари эрта диагностик маркёрларни аниқлаш, даволаш ва профилактика усулларини жорий этиш орқали стационар даволанишига бўлган эҳтиёж 24%га камайиши натижасида иқтисод қилинди;

*иккинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* репродуктив ёшдаги эндометриоз касаллигига чалинган аёлларда клиник-лаборатор, биокимёвий, молекуляр-генетик ва гистологик ўзгаришларни таққослаш асосида кейинчалик ривожланиш эҳтимоли бўлган эндометриознинг олдини олиш имкониятини берган ва эрта ташхислаш натижасида ва профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш орқали касаллик рецидивини эрта башоратлашга эришилди; *иктисодий самарадорлиги:* репродуктив ёшдаги эндометриоз касаллигига чалинган аёлларда генетик ўзгаришларни башоратлаш орқали хавф гуруҳлари аниқланди. Ушбу хавф гуруҳларда олиб борилган диагностик усуллар орқали келиб чиқиши мумкин бўлган хавфли

асоратларини олди олинди, ҳамда асоратларни даволашда кетадиган сарф-харажатлар ҳисобига 2850000 сўм иқтисод қилинди;

*учинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* эндометриозни башоратловчи эрта диагностик генетик маркерлар асосида эндометриозни оғир даражаларга ўтишини олдини олиш ва дифференциаллашган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш орқали ёмон сифатли ўсмалар кузатилиши мумкин бўлган беморлар сонини камайтиришга эришилган; *иқтисодий самарадорлиги:* ушбу хавф гуруҳларда олиб борилган диагностик усуллар орқали келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларни олди олинди, ҳамда асоратларни даволашда кетадиган сарф-харажатлар ҳисобига 2750000 сўм иқтисод қилинди;

*тўртинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* ишлаб чиқилган диагностик тизим ривожланиш эҳтимоли бўлган эндометриознинг олдини олиш имкониятини берган ва репродуктив саломатликни яхшилашга эришилган; *иқтисодий самарадорлиги:* беморларда гистологик текширув натижаларига асосан генетик таҳлил ўтказиш орқали олдинги текшириш учун қилинган харажат 1 бемор учун 1524000 сўмни ташкил қилган бўлса, биз таклиф қилган усулда харажатлар 554600 сўмни ташкил қилди, йил давомида ҳар бир бемор учун 969400 сўм иқтисод қилинди;

Илмий натижалар асосида “Репродуктив ёшдаги аёлларда генитал эндометриозни ташхислашни макбуллаштириш учун гистологик усулдан фойдаланиш” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2025 йил 28 февралдаги 20-т054сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома репродуктив ёшдаги аёлларда эндометриозни ўз вақтида аниқлаш, ушбу контингентдаги беморларда малигнизация ва рецидив даражасини камайтириш имконини берган. Тадқиқот давомида олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, «Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази» давлат муассасининг Навоий вилояти филиали ва «Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази» давлат муассасасининг Бухоро вилояти филиали амалиётига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 7 июльдаги 21/06-сон хулосаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши эндометриоз бўлган аёлларни ташхислаш ва даволаш сифатини оширишга, асоратлар улушини, хавфли ўсмаларга ўтиш ва ўлим хавфини камайтиришга, даволаш харажатларини камайтиришга ва репродуктив даврда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам берди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий мазмуни ва бўлимлари 5 та, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хотима ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади, ҳажми 110 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Натижалар тавсифланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Репродуктив ёшдаги аёлларда генитал эндометриоз муаммолари»** деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиёт манбалари мисолида адабиётлар маълумотлари шарҳи келтирилган, адабиётлар маълумотлари асосида репродуктив ёшдаги эндометриоз билан касалланган аёлларни олиб бориш ва даволаш тактикасини башоратлаш ва оптималлаштириш, гиперпластик жараёнларни патогенезига қараб ташхислаш бўйича замонавий қарашлар таҳлил қилинган, шу билан бирга ушбу муаммонинг ҳал қилинмаган ёки аниқланиши керак бўлган жиҳатлари аниқланган. Биринчи боб таҳлил қилинган материални умумлаштирувчи хулосалар билан яқунланади.

Диссертациянинг **«Репродуктив ёшдаги аёлларда генитал эндометриозни текшириш материаллари ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида илмий ишда қўлланилган асосий тадқиқот материаллари ва усуллари баён этилган.

Даволашдан олдин ва даволаш жараёнида ултратовуш текшируви ҳайз даврининг 5-7 кунда ўтказилди. Бунда барча тос аъзолари, шу жумладан қўшни бўлганлар, сийдик пуфаги ва пастки сийдик йўллари текширилди. Барча жароҳатлар учта текисликда ўлчанди, бу бачадон ва тухумдонларнинг ҳажмини, эндометрийнинг қалинлигини, бачадон деворларининг қалинлиги ва симметриясини, миометрийнинг тузилишини аниқлаш имконини берди. Бизнинг тадқиқотимизда ултратовуш текшируви беморларда аденомиёз ва эндометриоид тухумдон кисталари ташхисини қўйишга ёрдам берди.

Трансвагинал ултратовуш текшируви ретросервикал тўқималарда (бачадон бўйни орқасидаги ёғ тўқимаси) эндометриозни 94% аниқлик билан аниқлашга ёрдам беради. Ушбу турдаги касаллик кўпинча нотекис контурларга эга ва ултратовуш нурларини яхши акс эттирмайди. Бачадон бўйнига ёйилганда, ўчоқлар ва унинг контури билан бирлашиб, битта анатомик шаклланиш кўринишини яратади. Кейинчалик ўсиб бораётган патологик тўқималар тўғри ичакка етиб боради - ултратовуш ёрдамида

касалликнинг ушбу шаклини ташхислаш қийин эмас. Эхограммада ичак эндометриози узунлиги 4 см гача чўзилган овал шаклга эга бўлади ва ичакнинг ўзи камроқ ҳаракатчан ва эгилувчан бўлади.

Бачадоннинг ҳолати ҳақида ишончли маълумот олиш учун, агар ушбу касалликдан шубҳа қилинган бўлса, эндометриоз учун тос аъзоларининг МРТ си ҳайз даврининг 6-11 кунда ўтказилиши керак. Бундан ташқари, МРТ дан 2-3 кун олдин, аёл ичакда газ ҳосил бўлишини кучайтирадиган барча овқатларни истемол қилмаслиги керак. Сканерлаш учун ўртача даражада тўла қовуқ билан келиши керак. Ҳайз пайтида МРТ текшируви ўтказилмайди.

Лапароскопия ҳайз даврининг биринчи босқичида амалга оширилди. Лапароскопия пайтида қорин бўшлиғига ва тос аъзоларининг тўлиқ текшируви ўтказилди. Ичак, жигар, париетал перитон ва диафрагма юзаси текширилди. Кейин бачадоннинг олдинги бўшлиғини қоплайдиган қорин парда, ретроутерин бўшлиқ, сакроутеринал бойламлар майдони ва бачадоннинг кенг бойламли текширилди. Қорин пардаси ва эндометриоз ўчоқларининг ҳолатига (ендометриоид гетеротопияларнинг локализатсияси, сони, ҳажми ва ранги), қорин бўшлиғи суюқлигининг табиатига (миқдори, ранги, бир хиллиги) алоҳида эътибор қаратилди. Кейин манипуляторлар ёрдамида фаллоп найчалари ва тухумдонлар ҳар томондан текширилди. Уларнинг катталиги, тузилиши, ёпишқоқлиги ва табиати баҳоланди; бачадон, бачадон ортиқлари ва қўшни аъзоларнинг (қовуқ, ичак қовузлоқлари, катта чарви) битишмалар ҳосил қилганлиги баҳоланди.

Патологик жараёни визуал баҳолашдан сўнг, қон билан ифлосланишнинг олдини олиш қоидаларига риоя қилган ҳолда, бачадон орти бўшлиқда тўпланган перитонеал суюқлик олинади. Эндометриотик ўчоқлар соғлом тўқималар чегарасидан кесилиб, коагулятсия қилинди ва натижада олинган биопсиялар гистологик текширувга юборилди. Бизнинг тадқиқотимизда беморларнинг намунаси қора ва сариқ-жигарранг "одатий" эндометриоид гетеротопиялар билан чекланган.

Диссертациянинг «**Генитал эндометриоз диагностикаси**» деб номланган учинчи бобида текширув усулларининг натижалари ва информативлиги келтирилган.


Ультратовуш текширувида 38 нафар (45,2%) беморда бачадоннинг эндометриози, 18 нафар (21,4%) беморда эса эндометриоид кисталар 24 нафар (28,5%) беморда аденомиоз ва тухумдон эндометриоид кистаси қўшилиб келгани аниқланди. Трансвагинал датчик қўлланилганда 4 нафар беморда (4,7%) эса бўйин орқаси эндометриози ташхиси қўйилди.

Бизнинг тадқиқотларимизда 42 ҳолатда қорин бўшлиғи ва кичик чаноқ МРТ иси ўтказилди. Бунда 22 та беморда бачадон эндометриози, 4 та беморда бачадон бўйни чуқур инфилтратив эндометриози тўғри ичак облитерацияси ва қолган 16 та аёлларда эндометриома аниқланди.

Диагностик гистероскопия 35 нафар (41,67%) беморда ўтказилган. Гистероскопияга кўрсатмалар: мено-, метроррагиялар - 18 та (21,4%) ҳолатда, бепуштлиқ - 17 та (20,3%), сурункали чаноқ оғриғи - 7 та (15,2%) ҳолатда

бўлган. Гистероскопия пайтида эндометрий ва эндотсервиксни диагностик кириш ёки эндометрий биопсияси бажарилган.

Чаноқ қорин пардаси эндометриозини аниқлашда замонавий визуализация усуллариинг ҳеч бири лапароскопик диагностика ўрнини боса олмаслиги ҳақида фикр мавжуд. Бироқ, эндометриознинг ултратовуш белгилари топилмагани бу ташхисни рад этиш учун асос бўла олмайди ва яққол аломатлари бор аёлларга лапароскопия ўтказилиши лозим. Шу билан бирга, эндометриоз ўчоқларини, жумладан экстрагенитал шаклларини, тугунлар, инфилтратлар, шунингдек, бўшлиғи геморрагик, «майда дисперс» таркиб билан тўлган кистоз тузилмалар кўринишида, касалликнинг инфилтратив ёки кистоз шаклида лапароскопик ташхис усуллари ёрдамида аниқлаш мумкин.



1 – расм. Генитал эндометриозда текшириш услублари информативлиги

1 - расм дан кўриниб турибдики, текшириш информативлиги МРТ ва диагностик лапароскопияда юқори кўрсаткичларга эга. Шунга қарамасдан бу текширишлар қимматлиги ва техник қийинлиги сабабли генитал эндометриозда скрининг услуги бўла олмайди. Бу усулга диагностик маркерлар ва ултратовушли текширишлар ўзининг оддийлиги, қулайлиги ва текширишнинг арзонлиги билан устунлик қилади.

Диссертациянинг «Эндометриоз билан оғриган беморларда молекуляр-генетик текшириш натижалари» деб номланган тўртинчи бобида ўтказилган генетик тадқиқот натижалари келтирилган. Ушбу қисмда гуруҳ таҳлиллари учун турли ёндашувларни қўллаш орқали ген полиморфизмлари ва эндометриозга мойиллик ўртасидаги боғлиқликни янада аниқлаштириш мақсадида тадқиқот ўтказилди.

TP53 гени Pro72Arg полиморфизмини ўрганиш асосида таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, эндометриоз пайдо бўлишига аллел ( $\chi^2=5,34$ ,

p=0,021) бўйича таъсир эҳтимоллиги ишончли эканлигини кўрсатди. (1-жадвал)

### 1-жадвал

#### TP53 гени Pro72Arg полиморфизмини ўрганиш натижалари таҳлили

Алел, генотип	Асосий гурух (n=84)		Назорат гурух (n=80)		$\chi^2$ , p, OR (95% CI)
	N	%	n	%	
Pro	63	37,5	41	28,0	$\chi^2=5,34$ , p=0,021; RR=1,3; OR=1,74. Risk in Exposed – 60,6%, Risk in Unexposed – 46,9%, Overall Risk – 51,2%
Arg	105	62,5	119	72,0	
Pro/Pro	11	13,1	5	6,25	$\chi^2=2,18$ , p=0,14; RR=1,4; OR=2,26. Risk in Exposed – 68,8%, Risk in Unexposed – 49,3%, Overall Risk – 51,2%
Pro/Arg	41	48,8	31	38,75	$\chi^2=1,68$ , p=0,19; OR= RR=1,2; OR=1,5. Risk in Exposed – 56,9%, Risk in Unexposed – 46,7%, Overall Risk – 51,2%

Ушбу кўрсаткичлар генотип даражасида ўрганилганда аллел кўрсаткичларига яқин маълумотлар олинди (Pro/Pro доминант генотида:  $\chi^2=2,18$ , p=0,14; RR=1,4; OR=2,26, кирганлик хавфи – 68,8%, кирмаганлик хавфи – 49,3%, умумий хавф – 51,2%. Pro/Arg гетерозиготида:  $\chi^2=1,68$ , p=0,19; RR=1,2; OR=1,5, кирганлик хавфи – 56,9%, кирмаганлик хавфи – 46,7%, умумий хавф – 51,2%. Arg/Arg рецессив генотида:  $\chi^2=4,71$ , p=0,03; RR=0,71; OR=0,5, кирганлик хавфи – 42,1%, кирмаганлик хавфи – 59,1%, умумий хавф – 51,2%).

Кейинги босқичда биз BRAF V600E гени T/A полиморфизмининг эндометриозда ўрнини ўргандик. BRAF V600E гени аллел ва генотипларининг улуш тақсимланиши 2-жадвалда кўрсатилган.

Бунда ўрганилган ген таъсирига кирганлик хавфи 100% ни, кирмаганлик хавфи 50,5%ни ташкил этди. Умумий хавф 51,2%ни ташкил этди. Шундай қилиб, BRAF V600E генининг T/A полиморфизмини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу ген полиморфизми эндометриоз юзага келишида аҳамиятли ва ба касаллик учун диагностик тест сифатида ишлатилиши мумкин.

### 2-жадвал

#### BRAF V600E гени T/A полиморфизмини ўрганиш натижалари таҳлили

Алел, генотип	Асосий гурух (n=84)		Назорат гурух (n=80)		$\chi^2$ , p, OR (95% CI)
	N	%	n	%	

T	163	97,0	160	100,0	$\chi^2=4,84, p=0,028; RR=1,98; OR=0$ . Risk in Exposed – 100%, Risk in Unexposed – 50,5%, Overall Risk – 51,2%.
A	5	3,0	0	0,0	
T/T	79	94,0	80	100,0	$\chi^2=4,9, p=0,027; RR=2; OR=0$ . Risk in Exposed – 100%, Risk in Unexposed – 49,7%, Overall Risk – 51,2%.
T/A	5	6,0	0	0,0	
A/A	0	0,0	0	0,0	

TP53\_2 гени C/T полиморфизмининг эндометриоздаги ўрни ўрганилди. Назорат намуналарида TP53\_2 гени C/T полиморфизми бўйича аллел ва генотиплар фақат C ва C/C иборат. (3-жадвал).

### 3-жадвал


#### TP53\_2 генидаги C/T полиморфизмини ўрганиш натижалари таҳлили

Аллел, генотип	Асосий гуруҳ (n=84)		Назорат гуруҳ (n=80)		$\chi^2, p, OR (95\% CI)$
	N	%	N	%	
C	164	99,4	160	100,0	$\chi^2=3,87, p=0,049; RR=1,98; OR=0$ . Risk in Exposed – 100%, Risk in Unexposed – 50,6%, Overall Risk – 51,2%.
T	4	0,6	0	0,0	
C/C	80	95,2	80	100,0	$\chi^2=3,91, p=0,048; RR=2; OR=0$ . Risk in Exposed – 100%, Risk in Unexposed – 50%, Overall Risk – 51,2%.
C/T	4	4,8	0	0,0	
T/T	0	0,0	0	0,0	

Ўрганилаётган ген таъсирига кирганлик хавфи 100%, кирмаганлик хавфи 50,6%ни ташкил этди. Бунда умумий хавф 51,2%га тенг бўлди. Бу ўрганилаётган геннинг диагностик аҳамиятини тасдиқлайди.

TP53 гени Pro72Arg полиморфизмининг генитал эндометриознинг оғирлик даражасига таъсирини ўрганилди (2-расм).


Бунда I, II оғирлик даражали эндометриоз бўлиш эҳтимоллиги генотип ва аллел даражасида ишончли фарқ бермади (генотип –  $\chi^2=0,8; p=0,37; RR=1,2, OR=1,4$ ; ген таъсирига кирганлик хавфи=53,3%, кирмаганлик хавфи=45%, умумий хавф=48% ва аллел –  $\chi^2=0,28; p=0,6; RR=0,9, OR=0,8$ ; ген таъсирига кирганлик хавфи=22,5%, кирмаганлик хавфи=25,6%, умумий хавф=24,6%).



**2 – расм. TP53 гени Pro72Arg полиморфизми омилининг полиморф белгиларининг генитал эндометриознинг турли оғирлик даражаси ва назорат гурухларида тақсимланиши.**

TP53 гени Pro72Arg полиморфизмида III, IV оғирлик даражали эндометриоз бўлиш эҳтимоллиги генотип ва аллел даражасида ўрганилганда жуда ишончли натижалар олинди (генотип –  $\chi^2=7,57$ ;  $p=0,006$ ;  $RR=1,6$ ,  $OR=3,1$ ; ген таъсирига кирганлик хавфи=71,8%, кирмаганлик хавфи=45%, умумий хавф=53,8% ва аллел –  $\chi^2=16,31$ ;  $p<0,05$ ;  $RR=2,0$ ,  $OR=3,0$ ; ген таъсирига кирганлик хавфи=51,1%, кирмаганлик хавфи=25,6%, умумий хавф=34,7%). Бунда III, IV оғирлик даражали эндометриоз бўлиш эҳтимолий кўрсаткичларининг бирмунча юқори эканлиги аниқланди.


Худди шундай BRAF V600E гени T/A полиморфизмининг эндометриоз оғирлик даражасига таъсири таҳлил қилинди (3-расм).



**3 – расм. BRAF V600E гени T/A полиморфизми омилининг полиморф белгиларининг генитал эндометриознинг турли оғирлик даражаси ва назорат гурухларида тақсимланиши.**

BRAF V600E гени T/A полиморфизмининг эндометриоз оғирлик даражасига таъсири ўрганилганда I, II оғирлик даражали эндометриоз келиб чиқишида генотипда ҳам ( $\chi^2=3,6$ ;  $p=0,057$ ), аллелда ҳам ( $\chi^2=3,58$ ;  $p=0,058$ ) ишончли маълумотлар олинмади. Лекин бу кўрсаткич III, IV оғирлик даражали эндометриозда ўрганилганда генотип даражасида ҳам ( $\chi^2=6,31$ ;  $p=0,012$ ), аллел даражасида ҳам ( $\chi^2=6,23$ ;  $p=0,013$ ) ишончли фарқ аниқланди. Яъни, BRAF V600E гени T/A полиморфизми эндометриознинг оғир кечишига ишончли таъсир қилади. I, II оғирлик даражали эндометриоз III, IV оғирлик даражали эндометриоз билан таққосланганда ишончли натижалар олинмади (генотипда –  $\chi^2=0,39$ ;  $p=0,53$ ; аллелда –  $\chi^2=0,38$ ;  $p=0,54$ ).


Кейинги навбатда TP53\_2 гени C/T полиморфизмининг эндометриоз оғирлик даражасига таъсири таҳлил қилинди (4-расм).



**4 – расм. TP53\_2 гени C/T полиморфизми омилининг полиморф белгиларининг генитал эндометриознинг турли оғирлик даражаси ва назорат гурухларида тақсимланиши.**

TP53\_2 гени C/T полиморфизми эндометриознинг оғир кечишига ишончли таъсир қилади. I, II оғирлик даражали эндометриоз III, IV оғирлик даражали эндометриоз ўртасида таққосланганда ишончли натижалар олинмади (генотипда –  $\chi^2=0,02$ ;  $p=0,880$ ; аллелда –  $\chi^2=0,02$ ;  $p=0,880$ ).

Юкоридагилардан келиб чиккан холда генитал эндометриозни ташхислаш, башоратлаш ва даволаш усулини танлашга индивидуал ёндашув ва кейинги диспансер кузатувида асосланган эндометриоз билан оғриган аёлларнинг репродуктив саломатлиги ва ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам берадиган алгоритм ишлаб чиқилди(5-расм).



5-расм. Генитал эндометриоз келиб чиқишини башоратлаш алгоритми

## ХУЛОСА

«Репродуктив ёшдаги аёлларда генитал эндометриознинг келиб чиқишида генетик маркерларнинг аҳамияти» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Эндометриоз ривожланишининг хавф омилларига гинекологик касалланиш индексининг юқорилиги, анамнезда трансвагинал ва трансабдоминал жарроҳлик амалиётларининг мавжудлиги ҳамда ирсий

мойиллик киради. Эндометриоз турлари орасида бачадон танаси эндометриози энг кўп (57,8%) учраб, кўпинча бачадон миомаси ва эндометрий гиперпластик жараёнлари билан бирга кечади.

2. TP53 гени Pro72Arg полиморфизмининг Pro аллели мавжуд бўлганда эндометриоз ривожланиш хавфи 2 баробарга, бунда оғир даражадаги генитал эндометриоз билан касалланиш хавфи 3,6 баробарга ортади ( $p < 0,05$ ). BRAF V600E гени T/A ва TP53\_2 гени C/T полиморфизмларида ҳам T ва C аллеллари ҳисобига эндометриоз хавфи ва оғир турлари ишончли ( $p < 0,05$ ) даражада ошади.

3. TP53 гени Pro72Arg, BRAF V600E гени T/A ва TP53\_2 гени C/T полиморфизмлари аллел ва генотиплари сезгирлиги 61,9%, 97,2%, 97,6%, ҳамда ўзига хослиги 55%, 50,5% ва 50,6%ни ташкил этди. Ушбу генлар полиморфизмларини комплекс баҳолаш генитал эндометриозни башорат қилишда юқори сезувчанлик – 96,7% ва ўзига хослик – 70,6% кўрсаткичларига эга.

4. Ишлаб чиқилган репродуктив ёшдаги аёлларда генитал эндометриозни ташхислаш, башоратлаш, даволаш усулини танлашда индивидуал ёндашувга ва кейинги диспансер кузатувиغا асосланган алгоритм эндометриоз билан оғриган аёлларнинг репродуктив саломатлиги ва ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ ИМЕНИ АБУ АЛИ ИБН СИНА**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ  
ИМЕНИ АБУ АЛИ ИБН СИНА**

**УМИДОВА НИГОРА НАБИ КИЗИ**

**ЗНАЧЕНИЕ ГЕНЕТИЧЕСКИХ МАРКЕРОВ В ПРОИСХОЖДЕНИИ  
ГЕНИТАЛЬНОГО ЭНДОМЕТРИОЗА У ЖЕНЩИН  
РЕПРОДУКТИВНОГО ВОЗРАСТА**

**14.00.01 – Акушерство и гинекология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**Бухара – 2025**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инновации Республики Узбекистан за B2024.1.PhD/ Tib4201.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz) и на Информационно-образовательном портале "Ziyonet" по адресу: [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).

**Научный руководитель:** Хамдамова Мухаёхон Тухтасиновна  
доктор медицинских наук (DSc), профессор

**Официальные оппоненты:** Абдуллаева Лагия Мирзатуллаевна  
доктор медицинских наук, профессор  
Мавлянова Нигора Наримоновна  
доктор медицинских наук, старший научный сотрудник

**Ведущая организация:** Таджикский государственный медицинский университет имени Абу Али ибни Сино

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 по присуждению ученых степеней при Бухарском государственном медицинском институте (адрес: 200126, Бухара, ул. Гиждуван, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за №\_\_\_). Адрес: 200126, Бухара, ул. Гиждуван, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 года).

**Д.Т. Ходжиева**

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Н.Ш. Ахмедова**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Г.А. Ихтиярова**

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным В.О.З. эндометриоз является одним из наиболее распространенных гинекологических заболеваний, и проблема его эффективной диагностики и лечения имеет медико-социальное значение. На сегодняшний день причины, диагностика и лечение этого заболевания остаются дискуссионными. Патогенез заболевания многофакторный и недостаточно изучен. Поскольку неинвазивные методы исследования имеют относительную диагностическую ценность, современные терапевтические подходы зачастую не обеспечивают полного выздоровления<sup>1</sup>.

Во всем мире современные ученые, клиницисты и морфологи прогресс в более глубоком изучении эндометриоза связывают с комплексными исследованиями, направленными на выявление молекулярных аспектов патогенеза заболевания. За последнее десятилетие был достигнут значительный прогресс в понимании молекулярной биологии клеток. Определение характера процессов неоангиогенеза, стромообразования, апоптоза, пролиферации и инвазии, изучение их регуляции и нарушения их взаимоотношений открывает совершенно новые возможности для разработки патогенетически обоснованных методов лечения эндометриоза. Именно эта ситуация определяет актуальность исследований, направленных на поиск высокоинформативных биомаркеров, способствующих достаточно глубокому анализу и пониманию морфологической природы заболевания<sup>2</sup>.

В нашей стране ряд реформ и научных исследований направлен на организацию системы здравоохранения в нашей республике на основе передовых мировых стандартов, оказание высококачественных медицинских услуг населению, а также раннюю диагностику и прогнозирование течения гинекологических заболеваний, снижение частоты оперативных вмешательств. В связи с этим, в рамках реализации мер по реформированию системы здравоохранения в республике определены задачи «...повышение эффективности, качества и популярности медицинской помощи, а также формирование медицинской стандартизированной системы, внедрение высокотехнологичных методов диагностики и лечения, поддержание здорового образа жизни и профилактика заболеваний путем создания эффективных моделей патронажной службы и диспансеризации...». В реализации этих задач важное значение имеет повышение эффективности оказания медицинской и социальной помощи женщинам, улучшение качество их жизни, усовершенствование методов использования современных технологий в обеспечении качества медицинских услуг.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, предусмотренных в Указах Президента Республики

---

<sup>1</sup> Сергеева КН, Сокорев СН, Ефремова ОА, и др. Анализ уровня эндогамии популяции как основа популяционно-генетических и медико-генетических исследований. // Научные результаты биомедицинских исследований. -2021.- №4 (7) - С.375-387.

<sup>2</sup> Adewuyi EO, Sapkota Y, International Endogene Consortium Iec, et al. Shared molecular genetic mechanisms underlie endometriosis and migraine comorbidity. // Genes. - 2020;- №3(11) - С.268.

Узбекистан № УП-216 от 25 апреля 2022 года «Об усилении охраны материнства и детства в 2022-2026 годах» и № УП-4891 от 12 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению здоровья населения путем дальнейшего повышения эффективности медико-профилактической работы», Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4891 от 12 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике» и других нормативно-правовых документах, связанных с данной деятельностью.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Настоящая диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан: VI. «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** Генитальный эндометриоз изучали многие отечественные ученые (Толибова Г.Х. и др., 2016; Бабаев С.Н. и др., 2017; Ахмедова А.Т. и др., 2019; Бекназарова Х.Н. и др., 2021; Закирова Н.И. и др., 2024; Нажмиддинова Н.П. и др., 2024; Нормуродова Ш.Г. и др., 2025; Иргашева С.С. и др., 2025; Например, А.А. Тойировна провела научное исследование на тему «Особенности течения перименопаузального периода у женщин с эндометриозом», изучая клинико-гормональные психоэмоциональные состояния у женщин с эндометриозом в период перименопаузы. Уровень гормонов эстрогена и прогестерона связан с повышенным риском возникновения хронической тазовой боли, и в качестве лечения используются растительные средства с естественными эффектами эстрогена и прогестерона.

Научная работа, направленная на диагностику и лечение генитального эндометриоза, проводилась многими учеными в России (Адамян Л.В. и др., 2015; Кузнецова И.В., 2015; Волкова Л.В., 2016; Давыдов А.И., 2018; Головченко И.О., 2023;). Среди них И.О. Головченко изучал значение генетических маркеров и половых гормонов в научной работе под названием «Генетические детерминанты уровня половых гормонов у больного эндометриозом». В данном исследовании изучались однонуклеотидные полиморфизмы генов гормонов ЛГ, ФСГ, ПЛ, эстрадиола, прогестерона, тестостерона и дегидроэпиандростерона, а также проводилось полногеномное ассоциативное исследование (GWAS). Результаты показали наличие корреляции между параметрами исследуемых гормонов и полиморфизмами генов.

